

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

UJ2055763213

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**

«Buyurtmachi» deb yuritiladigan Tuproqqal’a tumani Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurituvchi boshlig’i R.Yuldoshev bir tomondan, «Pudratchi» deb yuritiladigan "XORAZM EKSPERIMENT" MChJ nomidan Ustav asosida ish yurituvchi R.Ismoilov ikkinchi tomondan 23 200 000,00 (yigirma uch million ikki yuz ming) so’mni tashkil etuvchi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 18.03.2022 yildagi PQ-172son 2022 — 2026 yillarda «Obod qishloq» va «Obod mahalla» dasturlari doirasida qurilish, ta’mir olib borish hamda obodonlashtirish ishlari amalga oshirish to’g’risidagi qaroriga asosan Xorazm viloyati Tuproqqal’a tumani Oxunboboev maxallasida "Chikindi tashlash shaxobchasi" mukammal tamirlash ishlari ob’ekti bo’yicha pudrat shartnomasini tuzish to’g’risida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: TUPROQQAL'A TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tuproqqal'a tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**T.A.URAZBAYEV**

14.12.2022



ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ  
286-12-218-ОВ/2022-сон

2022 й. « 14 » декабр

Тупроққалъа тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тупроққалъа тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиги Р.Иуддошев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "XORAZM EKSPERIMENT" МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи Р.Исмондов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2022 йилдаги ПҚ-172сон 2022 — 2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қурилиши, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириш тўғрисидаги қарорига асосан Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Охунбобоев маҳалласида "Чикинди ташлаш шахобчаси" мукаммал таъмирлаш ишлари объекти буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:  
- қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади ва ишлаш учун шaroнт яратиб берилади.  
- участканинг иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;  
- беркитилинадиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилинадиган ишлар;  
- шартнома парминн бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Охунбобоев маҳалласида "Чикинди ташлаш шахобчаси" мукаммал таъмирлаш ишлари объектини кўзда тутилган лойиҳа буйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи ёки Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шарoнтлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича пудратчи томонидан бажариладиган, электрон танлов натижасида аниқланган (2022 йил "10" декабрдаги № 66272 -сон) баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва КҚС билан бирга пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 23 200 000,00 сўмни ташкил этади. (йигирма уч миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқишнинг мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:  
- қурилиш қийматини кўпайтиришига еттиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегинли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:  
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофиқ ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;  
- Буюртмачининг субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида ятроф муҳитини, ўтказилган дарахтларини ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурга қилиш;  
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулиқ ҳажмда тақдим қилади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Объектга тегишли лойиҳа смета ҳужжатларини ўз вақтида тақдим қилади, лойиҳа смета ҳужжатлари бўлмаган ҳолда ўзаро келишиб қилишга розилик беради.  
- уш қулиш муддат охида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумот ҳисоб-варақ фактура» ни кўриб чиқариш ва уни расмийлаштиради.

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган ишга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мувожадатларини уч кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Пудратчиға ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган иккоро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулккий жавоб беради. Пудратчи томонидан йўл қўйилган камчиликларини бир иш кунидан ошмаган ҳолда жойида оғохлангириб камчилик бартараф қилинади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

11. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга қиради.

12. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР.

13. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
14. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 ( үчтиз ) фоиз миқдоридан аванс утказида
15. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш \_\_\_\_\_ иш куни ичида амалга оширади.
16. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишида зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ердამчи ташкилотларга тулаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.
17. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнани охириг қунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактура» ўзи тушиб тақдим қилиши. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
18. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
- Буюртмачи объектдаги, пудратчи иш ҳажмларини топшурғунга қадар қурилиш материалларини қуриқлашни ўз зиммасида қолдиради.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жаъвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
22. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмасе, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.
- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни \_\_\_\_\_ 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАР

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносабат равишда узайтирилади.
25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни тавом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.
26. Агар томонлар икки ой ичида келиши олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

27. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишда шайқилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
28. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилгани ёки асосли гуноҳлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефон орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик қиритиш мақсадига ёзма илоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мувожабатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
29. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга ошириш чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

## XI. КАФОЛАТЛАР.

30. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
  - лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
  - ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
  - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
- Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕҚОР ҚИЛИШ.

31. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жаъвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молниялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;  
бу ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига бериллади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун ҳужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молниялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунда сабабсиз Пудратчининг ҳисоб рақамига утказиб бермасе ушлаб турилган сумманинг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмининг асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

39. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгиланган кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларининг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охиригича қадар тасдиқлағмас «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмасе шартнома қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссиясе томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмасе ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдоридан жарима тўлайди.

40. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берсе ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермасе айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0.1% миқдоридан жарима тўлайди.

41. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

42. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

43. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабиюмасе бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

### XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга муурожаат қилишлари мумкин.

### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

45. Мазкур шартнома имзолагандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисез, субпудратчилардан ташқари, бироқ-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

48. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувчи томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

50. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммасе меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта қўриб чиқилади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

52. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга қиради ва барча қўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қилади. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача

53. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

|   |                                   |
|---|-----------------------------------|
| Тўпроққалъа тумани Ободолаштириш бошқармаси   | "ХОРАЗМ ЭКСПЕРИМЕНТ" МЧЖ          |
| Манзили: Тўпроққалъа тумани Саҳоват маҳалласи | Урганч шаҳар Ал.Хоразмий кучаси   |
| ШХР 10002286032217065200110010                | ИНН: 307683040                    |
| ИНН 307302536                                 | * X/p: 20208000200905340001       |
| ОКЭД 90290                                    | Банк: АТ Асака банк Хоразм филиал |
| Молния вазирлиги Газначилиги                  | МФО: 00581                        |
| X/p: 23402000300100001010                     |                                   |
| ИНН 201 122 919                               |                                   |
| МФО 00014 Тошкент шаҳар Марказий банк         | ОКОНХ: 61110                      |
|   |                                   |

Бошлик:



Р.И. Исмоилов Ё

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бошлик:

*Исмоилов*

(имзо)

Р.Исмоилов  
(Ф.И.О.)



"Хоразм вилояти Тупрок" Хоразм вилояти Тупроккаъла тумани Охунбобов маҳалласида "Чикинди ташлаш шахобчаси" муқаммал  
ишларни бажариш ЖАДВАЛИ

| № | Ишлар тур ва номи      | Ҳажм бирлиги қиймати | 2022 йил давомида бажариладиган ишларни миқдори (сум) |         |      |          |     |      |           |        |          |          |        |         | Иш турлари буйича умумий қиймати (минг) |          |
|---|------------------------|----------------------|---|---------|------|----------|-----|------|-----------|--------|----------|----------|--------|---------|---|----------|
|   |                        |                      | I-чорақ   |         |      | II-чорақ |     |      | III-чорақ |        |          | IV-чорақ |        |         |   |          |
|   |                        |                      | январь  | февраль | март | апрель   | май | июнь | июль      | август | сентябрь | октябрь  | ноябрь | декабрь |   |          |
|   | Жорий таъмирлаш ишлари | 23200000             |   |         |      |          |     |      |           |        |          |          |        |         | 23200000                                | 23200000 |

Бўлуқмачи:

Тупроккаъла тумани Ободлаштириш бошқармаси бошлиғи  
Р.Иудомов



Пудратчи:

"XORAZM EKSPERIMENT" MCHJ  
бошлиғи Р.Исмоилов



"Хоразм вилояти Тупрок" Хоразм вилояти Тупроккаля тумани Охунбобоев маҳалласида "Чикинди ташлаш шаҳобчаси" муқаммал тамирлаш ишлари объекти буйича

молиялаштириш ЖАДВАЛИ

| № | Ишлар тури ва номи       | Хажм бирлиги киймати | 2022 йил давомида бажариладиган ишларни молиялаштириш (сум) |         |      |          |     |      |      |           |          |         |          |         | Иш турлари буйича умумий киймати (минг) |          |
|---|--------------------------|----------------------|---|---------|------|----------|-----|------|------|-----------|----------|---------|----------|---------|---|----------|
|   |                          |                      | I-чорақ   |         |      | II-чорақ |     |      |      | III-чорақ |          |         | IV-чорақ |         |   |          |
|   |                          |                      | январь  | февраль | март | апрель   | май | июнь | июль | август    | сентябрь | октябрь | ноябрь   | декабрь |   |          |
|   | Муқаммал тамирлаш ишлари | 23200000             |   |         |      |          |     |      |      |           |          |         |          |         | 23200000                                | 23200000 |

Буюртмачи:

Тупроккаля тумани Обodonлаштириш бошқармаси бошлиғи Р.Иулдошев



Ўдратчи:

"XORAZM EKSPERIMENT" MMC бошлиғи Ф.Имомилов







O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Хоразм вилояти

Xorazm viloyati 220100, Urganch shahar, P.Maxmud ko'chasi,46 uy. Tel: +998904387766, E-mail:  
irada13@inbox.ru, www.ekspertiza.mc.uz [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Bekchanova Nellya Axatovna

Sana:20-10-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 66129**

**Obyekt nomi** «Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani Oxunboboev mahallasida chiqindilar yig'ish maydonchasini mukammal ta'mirlash» ishchi loyihasi»

**Buyurtmachi** - Tuproqqal'a tuman obodonlashtirish boshqarmasi.

**Bosh loyihachi** - «Qalandar Xo'ja loyiha» OK

**Litsenziya** 15.06.2020 yildagi AL-000862-sonli litsenziya

**Moliyalashtirish manbai** - budget

**Bosh pudratchi** - tanlov savdolari natijasida

**Qurilish turi** mukammal ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 62782

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Loyiha topshirig'i;

1.2. Tuproqqal'a tumani hokimining 22.06.2022 yildagi 172-12-218-Q/22-sonli qarori;

1.3. Xorazm viloyati qurilish bosh boshqarmasi Tuproqqal'a tumani bo'limining 28.09.2022 yildagi 205-sonli ma'lumotnomasi;

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Loyiha tarkibiy bayoniga ko'ra «ishchi loyiha» ning elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

3.1. O'zgarish maydonining o'ziga xos xususiyatlari.

Tashqi havo harorati - -19 C.

Normativ shamol bosimi - 38kg/m<sup>2</sup>.

Normativ qor qatlami vazni - 50kg/m<sup>2</sup>

Yer relyefi tekis.

Tuproqlar cho'kmaydi.

Zilzilabardoshligi – 7-8ball.

Yong'inga qarshiligi – 2 toifa.

Yernining normativ muzlash chuqurligi – 0,68m.

### 3.2. Bosh reja.

Loyihalashtirilayotgan ob'ekt Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani Oxunboboev mahallasida joylashgan.

### 3.3. Asosiy loyihaviy vechimlar.

Loyihalanayotgan chiqindixona xududi to'rtburchak shaklidan iborat bo'lib, rejadagi tarx o'lchamlari 8,0x10,0m.

Konstruktiv yechim.

To'siq devor poydevori – yahlit temir-beton, beton markasi M-150.

To'siq devor – M-75 markali pishgan g'ishtdan bo'lib, M-50 markali tsement qarishmasidan, devor balandligi – 1,0m., qalinligi 250mm.

Hudud va yon atrofi yo'lagi - beton.

### 3.4. Yong'in xavfsizligi.

Ushbu ishchi loyiha bo'yicha qo'shimcha yong'in xavfsizligi talab qilinmaydi.

### 3.5. Atrof-muhit muxofazasi.

Yer bilan tegib turgan inshootlar, tuproq va yer osti suvlarining agressivligini xisobga olagan xolda izolyatsiyaga ega.

Ob'ektning joriy narxlardagi narxi R.Uz. qurilish sanoati (Toshkent-2022 yilning 2-choragi) foydalanadigan moddiy-texnik resurslarning joriy narxlari Katalogi, birja bahosi va bozor sharoitlari, baholar kelishish bayonnomasi yordamida resurs usuli bilan aniqlanadi.

Buyurtmachining 22.09.2022 yildagi 159-sonli xatiga ko'ra ob'ektning taxminiy narxini aniqlashda quyidagi narx parametrlari qabul qilingan:

- o'rtacha soatlik ish haqi miqdori – 17921,03 so'm kishi/soat (shu jumladan, ijtimoiy sug'urta bo'yicha chegirmalar - 12%);
- pudratchining boshqa xarajatlari - 15,51%;
- buyurtmachi boshqa xarajatlari – 2,5%;
- ob'ektni sug'urta qilish xarajatlari - 0,32%;
- tavakkalchilik koeffitsienti – 1,0.

## **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

Ushbu ishchi loyiha bo'yicha qo'shimcha muhandislik ta'minoti talab qilinmaydi.

## **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- buyurtmachi bilan;
- Tuproqqal'a tuman hokimiyati;
- Tuproqqal'a tumani qurilish bo'limi;
- SEO va JSH Tuproqqal'a tuman bo'limi;
- Tuproqqal'a tuman favqulotda vaziyatlar bo'limi;
- Tuproqqal'a tumani yo'llardan foydalanish bo'limi;
- Tuproqqal'a tumani gaz ta'minoti bo'limi;
- Tuproqqal'a TETK;
- Xorazm suv ta'minoti MCHJ Tuproqqal'a tumani bo'limi;
- Tuproqqal'a tumani irrigatsiya bo'limi;
- Tuproqqal'a tumani Oxunboboev MFY;

## **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1 Shartnoma bo'yicha import texnologik uskunalarni sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar ekspertizadan o'tkazilmaydi.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

Ekspert tekshiruv natijalariga ko'ra ob'ektning umumiy qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) va buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 24076,579ming.so'm miqdorida e'lon qilingan ishlar qiymati 451,600ming.so'mga kamaytirilib, 23624,979ming.so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

- |                                      |                     |
|--------------------------------------|---------------------|
| - qurilish materiallari              | - 148,277ming.so'm. |
| - ish xaqi                           | - 141,934ming.so'm. |
| - mashina va mexanizmlar             | - 42,431ming.so'm.  |
| - pudratchining boshqa xarajatlari   | - 51,593ming.so'm.  |
| - buyurtmachining boshqa xarajatlari | - 8,316ming.so'm.   |
| - ob'ekt sug'urtasi                  | - 1,230ming.so'm.   |
| - QQS                                | - 57,820ming.so'm.  |

6.3. Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori 2019 yil 20 sentabrdagi 4464-sonli qaroriga muvofiq buyurtmach boshqa harajatlari tarkibiga qurilish qiymatidan 0,05% to'lovi "Shaffof qurilish" MAT hisobiga o'tkazilishi va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi».

6.6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 20 maydagi "Kapital qurilish sohasida buyurtmachi xizmati faoliyatini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 3-bob 7 p. 9,10,11,12 va 9-bob 4 ustunlarga muvofiq ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflarni bartaraf etilishi va sifati nazorat qilish (boshlang'ich hujjatlarni to'g'riligini ta'minlashda) mas'uliyati Buyurtmachiga va qabul qilingan loyiha yechimlar, smeta me'yorlariga muvofiqligi mas'uliyati Loyiha muallifiga yuklatilgan.

## 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda «Xorazm viloyati Tuproqqal'a tumani Oxunboboev mahallasida chiqindilar yig'ish maydonchasini mukammal ta'mirlash» ishchi loyihasi ekspertiza natijasida aniqlangan kamchiliklar va takliflar inobatga olgan holda, buyurtmachi qabul qilgan ish hajmi va qiymatni belgilovchi parametrlarning chegaraviy harajatlarga quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga muvofiqligini tasdiqlagan taqdirda ko'rib chiqqan holda tasdiqlash uchun tavsiya etiladi:

| Ko'rsatkichlar nomlanishi                                     | O'lchov birligi | Miqdori        |                 |
|---|-----------------|----------------|-----------------|
|   |                 | Taqdim etilgan | Tavsiya etilgan |
| Qurilishning QQSiz joriy narxi                                | ming.so'm       | 20 584,541     | 20 199,077      |
| Qurilishning QQS bilan joriy narxi (15%)                      | ming.so'm       | 23 672,223     | 23 228,939      |
| Buyurtmachi boshqa xarajatlari (2,5%)                         | ming.so'm       | 404,356        | 396,040         |
| Qurilishning QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan joriy narxi | ming.so'm       | 24 076,579     | 23 624,979      |

7.2. Ko'rsatilgan narx shartnoma tuzish uchun asos emas.

7.3. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli, 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.4. Buyurtmachi ekspertizaning izoxlari bo'yicha tuzatilgan loyiha-smeta xujjatlarini bosh pudratchi tashkilotga o'tkazilishini ta'minlaydi.

**Bosh mutaxassis:** MATYAKUBOV SHIXNAZAR KURAMBAEVICH